Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

№ 54 (505) 2021 йил 9 июль, жума

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

MARKAZIY VA JANUBIY OSIYO 2021
15-16 IYUL, TOSHKENT

## ЎЗБЕКИСТОНДА МАРКАЗИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁНИНГ МИНТАҚАВИЙ БОҒЛИҚЛИГИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ЎТКАЗИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан 2021 йил 15-16 июль кунлари Тошкент шаҳрида "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" мавзусидаги халқаро конференция бўлиб ўтади.

Форумнинг асосий мақсади Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари ўртасидаги тарихан яқин ва дўстона алоқаларни, ишонч ва яхши қўшничиликни икки минтақа халқлари ва мамлакатлари манфаатлари йўлида мустаҳкамлашдан иборат.

Конференция ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Афғонистон Ислом Республикаси Президенти, Покистон Ислом Республикаси Бош вазири, Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари, бошқа хорижий давлатларнинг ташқи ишлар вазирлари ва юқори даражадаги вакиллари, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, глобал молиявий институт ва компаниялар, етакчи илмий-тадқиқот ва таҳлилий марказларнинг раҳбарлари иштирок этиши режалаштирилган.

Форум иштирокчилари ялпи ва шўъба мажлисларда минтақавий боғлиқликни янада мустаҳкамлаш доирасида савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникацион ва маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган ташаббусларни илгари суриш имкониятларини муҳокама қиладилар.

Кун тартибидан савдо, инвестициялар, транспорт, энергетика ва инновациялар, "яшил" технологиялар соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш, кооперация бўйича аниқ лойиҳа ва дастурларни амалга ошириш, туризм, таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва маданият соҳаларида шерикликни кенгайтириш, икки минтақа барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш юзасидан батафсил фикр алмашиш ва биргаликда таклифлар ишлаб чиқиш ўрин олган.

## Изланишга кенг имконият

**Назокат УСМОНОВА,**
ЎзА мухбири.

**Ёшларга меҳр ва эътибор кўрсатиш, китобга, билим ва маърифатга ошно этиш давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ислоҳотларда устувор ўрин эгаллайди.**

Президентимизнинг Ёшлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида навқирон авлоднинг таълим-тарбияси, бандлиги, ҳаёт фаровонлигини таъминлаш, зарур имконият ва имтиёзларни яратиб бериш борасида кўплаб амалий ғоялар ўртага ташланган эди. Айни пайтда ўғил-қизларнинг одоб-ахлоқи, маънавиятини тўғри шакллантириш, уларни ёт ва зарарли ғоялардан ишончли ҳимоялаш, спортга ошно этиш бўйича кўплаб устувор вазифалар белгиланди.

Давлатимиз раҳбарининг куни кеча эълон қилинган "Республика олий таълим муассасаларига талабаликка қабул қилинган иқтидорли ёшларни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борадаги эътиборнинг яна бир амалий ифодаси бўлди, десак янглишмаймиз. Ушбу қарор ёшларни ўз устида мунтазам ишлаш, изланишга ундаш ҳамда билимли ёшларни янада қўллаб-қувватлашдек мақсадларни кўзда тутиши билан аҳамиятлидир.

Унга кўра, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб давлат олий таълим муассасалари бакалавриатининг кундузги таълим шаклига кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаган 200 нафар ёш учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти гранти жорий қилинади.

2-бет

### Шу куннинг гаплари

Шаҳрихон шаҳрининг Навоий номидаги шоҳкўчасида, қарийб 2 гектар майдонда **Президент мактаби** қурилиши қизғин давом этмоқда. Уни "Шаҳрихон ихтисослашган қурилиш" МЧЖ амалга оширяпти.

Кореянинг Ўзбекистондаги элчихонасида Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги ва Глобал яшил ўсиш институти ўртасида Орол денгизи инқирозига қарши курашга қаратилган **5,6 млн** долларлик қўшма лойиҳа имзоланди.

Денов шаҳридаги асрлар давомида маърифат маскани бўлган **Саид оталиқ мадрасаси** XVI асрда Хўжа Алоуддин Атторга атаб бунёд этилган. У қайта тикланадиган бўлди ва келгусида сайёҳлик масканига айлантирилади.

Самарқанд шаҳридаги ерости йўли таъмирланиб, қайта очилди. Алишер Навоий номидаги кўча замонавий кўринишга келтирилиб, **1 800** метр узунликда ободонлаштириш ишлари бажариляпти.

Давлат дастури бўйича Андижоннинг Хонобод шаҳридаги Анҳор маҳалласи ҳудудида жойлашган **кўп қаватли уйлар реконструкция қилиниб, ички йўлларга асфальт ёткизилди.**

## МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ДАСТУРИ – АМАЛДА

**Дилфуза ҲАБИБОВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Бугунги кунда "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ тармоқ корхоналарида маҳаллийлаштириш дастури доирасида тизим эҳтиёжларига йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.**



Хусусан, паст кучланишли электр тармоқларини янгидан қуриш, модернизация ва реконструкция қилиш ишларини жадаллаштириш ҳамда қурилиш-монтаж ишларининг таннархини пасайтириш мақсадида Жамият томонидан ҳудудларда ишлаб чиқариш цехлари фаолияти йўлга қўйилган.

"Навоий ҲЭТК" АЖ томонидан Навоий шаҳрида темир-бетон таянчлар ишлаб чиқариш цехининг ишга туширилиши ҳам ҳудуд инфратузилмасини яхшилаш, аҳолига сифатли электр энергияси етказиб бериш, янги иш ўринлари яратиш каби мақсадларга йўналтирилган.



Қайд этиш жоизки, кунига 40 дона темир-бетон таянч устуни ишлаб чиқарилаётган цехда қўшимча иш ўринлари яратилган бўлиб, ҳозирда банд бўлган ходимлар сони 10 нафардан зиёдни ташкил этмоқда.

Маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш мақсадида цехга замон талабларига жавоб берадиган технологик ускуналар ўрнатилган бўлиб, бу сифатли маҳсулот тайёрлаш орқали аҳолига барқарор электр энергияси етказиб бериш, маънан эскирган симёғочларни янгисига алмаштириш каби масалаларни тезкорлик билан ҳал қилишга хизмат қилмоқда.

Умуман, "Навоий ҲЭТК" АЖда амалга оширилаётган ислоҳотлар, шунингдек, тизимда олиб борилаётган реконструкция ва модернизация ишлари натижасида электр энергияси истеъмолчиларига хизмат кўрсатиш сифат кўрсаткичлари ортиб, пировардида аҳоли турмуш фаровонлиги яхшиланяпти.

## 270 млн долларлик материаллар экспорт қилинади




**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Бугун иқтисодий драйверга айланган қурилиш соҳаси бир зум бўлса-да, ривожланишдан тўхтагани йўқ. Бу борада унинг асосий "қон томири"дан бири бўлган – қурилиш материалларининг ўрни катта аҳамиятга эга. "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси томонидан АОКАда бўлиб ўтган брифингда айнан қурилиши материаллари экспорти ҳақида сўз борди.**

"Қурилиш материалларини экспорт қилиш йўналишидаги ишлар таҳлили" мавзусидаги брифингда айтилишича, жорий йилнинг биринчи ярмида 148,8 млн доллар миқдорида қурилиш материаллари ва хизматлари экспорт қилинган. Бу, белгиланганидан 114 фоизга кўп деганидир. Ушбу кўрсаткичларга 17,2 млн долларлик керамик плитка ва буюмлари, 14,6 млн долларлик алюмин профил ҳамда панеллар, 11,5 млн долларлик ПВХ профил, труба, фитинглар, 10,4 млн доллар керамик ғиштлар, 10 млн долларлик цемент, 4,0 млн долларлик гипсокартон, 3,9 млн долларлик қуруқ қурилиш қоришмалари, 3,5 млн долларлик гулқоғоз, 1,8 млн долларлик табиий пардозбоп тошлар кабилар ҳисобига эришилган.

– Тармоқда янги қувватларнинг яратилиши ва инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши ҳамда янги корхоналарни экспортга жалб қилиниши ҳисобига экспорт ҳажми ўтган йилга нисбатан бир неча баробар ошди, – деди "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси бошқарма бошлиғи Соҳиб Абулқосимов. – Мисол учун, керамик плиткалар 3,4 баробарга, гулқоғоз 2 баробарга, қуруқ қурилиш қоришмалари 4 баробарга, табиий пардозбоп тошлар 6 баробарга, иссиқлик сақловчи материаллар (минерал ва шиша момиғи) 2,5 баробарга, ойна маҳсулотлари 2 баробарга кўп экспорт қилинган.

Бу йил қурилиш материаллари экспорти МДҲ давлатлари баробарида Афғонистон, Литва, Туркия, Украина, Хитой ва Эрон давлатлари ҳисобига кенгайтирилди. Қурилиш материалларининг асосий экспорт бозорлари қўшни республикалар бозорлари ҳисобланиб, ушбу давлатларнинг умумий экспортдаги улуши қарийб 70 фоизни ташкил этмоқда.

Уюшма йил якунига қадар умумий қиймати 285 млн долларлик экспортни амалга ошириш, ташқи бозорларда, хусусан, қўшни ва МДҲ давлатларида соҳа корхоналарининг савдо уйлари ва ваколатхоналари, диллерлик тармоқлари, шоурумларини ташкил этиш имкониятларини кўриб чиқиш каби ишларни бажаришни ўз олдига мақсад қилган. Шунингдек, маркетинг хизматлари ишини жадаллаштириш орқали қўшилган қиймати юқори бўлган қурилиш материаллари экспорти ҳажмларини ошириш ва янги экспорт бозорларни ўзлаштириб, экспорт географиясини кенгайтириш ҳам режалаштирилмоқда.

## ЁШЛАРИ ИМКОН, КЕКСАЛАРИ ҚАДР ТОПГАН ЮРТ



2-бет

### Қонунчиликни билинг

## Шаҳарсозлик кодексининг 35-моддаси нима ҳақида?



**35-модда.** Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги жамоатчилик назоратининг шакллари

Шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги жамоатчилик назорати жамоатчилик муҳокамаси, жамоатчилик экспертизаси шаклларида ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шаклларда амалга оширилади.

Жамоатчилик назоратининг натижалари бўйича ахборотга оид ва тавсиявий хусусиятга эга бўлган таклифларни ўз ичига олган якуний ҳужжат тайёрланади.

Якуний ҳужжатда баён этилган ахборот, тавсиялар ва таклифлар шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги давлат бошқаруви органлари томонидан мажбурий тартибда кўриб чиқилади ҳамда улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинади.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№54 (505) 2021 йил 9 июль



# ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ УЙ-ЖОЙ КОДЕКСИ ЛОЙИҲАСИ МАЪҚУЛЛАНДИ

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**“Ўзбекистон Республикасининг Уй-жой кодексини тасдиқлаш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фракцияларида кўриб чиқилди. Депутатлар уни биринчи ўқишда маъқуллашди. Амалдаги Кодекс 1998 йилда ишлаб чиқилган бўлиб, янги Кодекс лойиҳасида бугунги талаб ва таклифлар инобатга олинган.**

Кодекснинг моддаларини қайта ишлаш ва янги нормаларини киритишда 10 дан ортиқ хорижий давлатларнинг тажрибалари ўрганилди.

**Кодекснинг янги таҳририда:**

- биноларни турар жой сифатида таснифлаш;
- биноларни турар жойлар ва нотурар жойлар тоифасига ўтказиш;
- уй-жой фондини ҳисобга олиш ва турар жойларни уй-жой фондидан чиқариш;
- давлат уй-жой назорати;
- хусусий уй-жой фондининг турар жойларидан фойдаланиш;
- турар жой мулкдорлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- уй-жой қуриш, кўп хонадонли уйларни қайта қуриш ва қайта режалаштириш;
- фуқароларни турар жой билан таъминлаш;
- уй-жой кооперативларини ташкил этиш, уй-жой кооперативлари уйларидан турар жой олиш ва улардан фойдаланиш;
- уй-жой ва коммунал хизматлар ҳақини тўлаш;
- коммунал хизмат кўрсатувчи таъминотчилар, кўп хонадонли уйларни бошқариш органлари ва кўп хонадонли уйларнинг уй-жой мулкдорлари ўртасида фойдаланиш учун жавобгарлик чегаралари;
- кўп хонадонли уйдаги умумий мол-мулк, ундан фойдаланиш ва сақлаш, шунингдек, уй-жой фондини сақлаш билан боғлиқ муносабатлар алоҳида қонун билан тартибга солинади.

Янги таҳрирни қабул қилиш натижасида уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг тўғридан-тўғри амал қилиши таъминланади, соҳада давлат назорати механизмлари ўрнатилади, давлат ва жамоат эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда қурилиш, реконструкция қилиш ва бузиш ишларини амалга ошириш тартиби янада такомиллаштирилади. Шу билан бирга, жисмоний ва юридик шахсларнинг уй-жойдан фойдаланишда қонунчилик ҳамда норматив ҳужжатларга риоя этишдаги масъулияти ошиб, уй-жой объектларини қуришга тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилишга эришилади, уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган изчил сиёсат амалга оширилади.



# ЁШЛАРИ ИМКОН, КЕКСАЛАРИ ҚАДР ТОПГАН ЮРТ




**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.



**Кун чошгоҳдан ошган бўлса-да, Гулистон туманидаги Соҳилобод маҳалласи гузарида чордана қуриб ўтирган нуронийларнинг суҳбати қизигандан-қизиб борар, бирортаси ҳам ўрнидан қўзғалишни хаёлига келтирмас, аксинча, гурунг авжига чиқаётганди.**

Шу пайт даврадошлардан ёши улуғи:

– Ҳар куни бир хилдаги гапларни эшитавериш жонингизга тегмадими? Ахир, ён-атрофга ҳам бир чиқиб кўрайлик, туман ва шаҳарларимизда кўплаб ўзгаришлар, замонавий баланд уйлар қурилаётган экан, ҳамма жойда ободончиликлар бўлиб турса-ю, биз эса гузардан нарига ҳатлаб ўтишни хаёлимизга ҳам келтирмаяпмиз, –деди.

– Борсак-бораверамиз, аммо йўл ва бошқа харажатларни ким кўтаради, – деди даврабошининг таклифига жавобан ўз даврида узоқ йиллар хўжаликда бригадир вазифасида ишлаган Шермат бобо.

– Шерматбой, бу дейман, орадан ўттиз йил ўтса-да, отдан тушсангиз ҳам, эгардан тушмас экансизда! Нуқул пул, харажат, кирим-чиқимдан бошқа нарсани ўйламайсиз, кечалари ҳам тушингизга шу ташвишлар кирса керак? Бригада даврида ҳам шундай эдингиз. Қўл остингизда қирқ йилга яқин меҳнат қилиб, на таътилни билдик, на саёҳат-у санаторияни кўрдик. Аъзоларингизни тонг саҳардан, кун ботгунича даладан бўшатмаганингиз туфайли уларнинг аксарияти вилоят маркази қаерда жойлашганини ҳам билишмасди. Энди у даврлар ўтиб кетди. Харажат масаласига келсак, хавотир олманг, вилоят маҳалла ва кексалар билан ишлаш бўйича ташкилотга бориб ўзим гаплашаман, барчасини улар ташкиллаштириб беришларига ҳаракат қиламан, – дея гурунгга жон киргизди шоп мўловли Назир бобо.

– Қачон бирор фикр билдирсам, нуқул ўша йилларни юзимга солаверасиз. Менда нима айб, ўзингиз биласизку, давр шунақа эди. Катталарнинг миясида пахтадан бошқа нарса айланмасди, сизу бизнинг ижтимоий аҳволимиз, фарзандларимизнинг келажаги уларни қизиқтирмасди, – дея гуноҳкор кишидай бош эгди Шермат бобо.

– Тўғри айтасиз, давр шунақа эди, шукрки, барчаси ортда қолди, энди одамларимиз ўзи танлаган ва хоҳлаган ишни қиляпти, давлат шундай шароит яратиб берди. Бизнинг давримизда, шундоқ катта маҳаллада атиги 10-15 чоғли олий маълумотли киши бор бўлиб, улар ҳам соҳаси бўйича иш йўқлигидан катта шаҳарларга кетиб қолишарди. Энди эса ҳар йили маҳалламизнинг ўзидан ўнга яқин ёшлар институтларга киряпти, шу ернинг ўзида истаган соҳасида ишлашга имкониятлар қилинган, – деб суҳбатга қўшилди отахонлардан яна бири.

Гузарда айтилган гап ерда қолмади. Таклиф киритган Холиқ бобо эртаси куниёқ ишга киришди. Гулистон шаҳрига борганда ўзи ҳам бу ерга келмаганига анча бўлганини англади. Бироз нафас ростлаш учун йўл яқинидаги истироҳат боғига кириб, атрофга разм солди. Ҳаммаёқ яшилликка бурканган, бири-биридан гўзал ҳашаматли уйлар, бинолар, гўзаллик салонлари-ю савдо дўконлари, ёшлар марказлари, истироҳат боғлари ҳар қандай кишини ром этади.

– Шаҳарда жуда катта ўзгаришлар қилинибди, бир пайтлар мана шу ўтирган жойи қинғир-қийшиқ кўчали кўримсиз бир маҳалла эди, бу жойларда яшовчилар меҳнатдан сўнг, ҳордиқ чиқариш учун қаерга боришини билишмасди, истироҳат боғининг қурилгани яхши иш бўлибди, энди уларнинг бу муаммоси барҳам топибди, – кўнглидан ўтказди у.

Шаҳарнинг гўзаллигига маҳлиё бўлиб, бир нима ёдига тушгандек ўзига:

– Қарилик қурсин, хаёлга берилиб, сал бўлмаса Гулистонга нега келганимни ҳам унутаёзибман, – дея шоша-пиша кўзлаган манзили томон йўл олди.

Вилоят маҳалла ва кексалар билан ишлаш бўлими бошлиғининг ўринбосари, жамоатчилик асосидаги вилоят Нуронийлар кенгаши раиси Ўтбосар Абдиев отахонни илиқ кутиб олгач, бу ерга келишидан мақсадини айтди.

– Дўстларингизга саёҳатни аввал ўз ҳудудимиздан бошлаш таклифини киритиб, яхши иш қилибсиз, негаки, вилоятимизда амалга оширилган барча ишлар яқин 20 йилда бўлмаганди. Ҳозирча, туман ва шаҳарларимизни саёҳат қилиб чиқсангизлар, кейин истасангиз республикамиз пойтахти ҳамда бошқа вилоятларга ҳам боришга шароит яратиб берамиз, автобус ажратилиши, сарф-харажатларни қоплашга кўмаклашамиз...

Боёвут, Янгиер, Сирдарё, Ховос, Сардоба каби туман ва шаҳарларга қилинган саёҳат кексаларда катта таассурот қолдиргани бор гап.

– Кўрганларимиз мисоли тушдай. Барча ҳудудлардаги яратувчанлик ва бунёдкорликларнинг адоғи кўринмайди. Айниқса Сардобанинг бугунги жамолини, одамларининг яшаш тарзини кўриб, ишонгингиз келмайди, наҳотки, бир йил оралиғида ўнлаб замонавий кўп қаватли уйлар, ишлаб чиқариш корхоналари-ю, мактаб ва боғчалар, спорт иншоотларини қуришга эришилган бўлса?! Биз эса гузардан чиқмай ўтираверибмиз, бир пайтлар биттагина дала шийпонини тиклаш учун олти йил сарсон бўлгандим, – деди ҳайратини яширолмаган Шермат бобо.

Нуронийларнинг ўзаро суҳбатлари-ю, уларнинг вилоятда бўлаётган бунёдкорликларга билдирган муносабатлари ҳавойи гаплар эмас. Аслида борни-бор, дейишга одатланган халқмиз. Истиқлол берган эпкинлар туфайли жамиятимиздаги барча жабҳаларда асрларга татигувлик ишлар бўйламоқда. Шу билан бирга инсон қадр-қиммати ҳам олий даража-



га кўтарилди. Соҳилободлик кўпни кўрганлар таъкидлаганларидек, ўз даврида меҳнатлари қадр топмаган кишилар бугун бу ҳаётдан рози бўлиб, кексалик гаштини суришяпти.

Гап шу мавзуда бораркан яна бир мисолга эътибор қаратиш ўринли бўларди. Айни пайтда Сирдарё вилоятида 35 мингдан зиёд қарилик гаштини сураётган фуқаролар бор. Улардан 14 нафари 100 ёш билан юзлашганлар, 6 нафари Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 219 таси фронторти иштирокчиси, 12 нафари ногирон. Ўтган йиллар силсиласи барчасининг ҳам яшаш тарзи ва ҳаётига соя ташлаб ўтгани энди сир эмас.

Кейинги йилларда давлатимизнинг эътибори туфайли барчасининг ижтимоий муҳофазаси кенг қамраб олингани уларнинг кўнгилларига қувонч улашиб, шундай кунларга етказганига шукроналар айтишмоқда. Чунончи, уруш иштирокчилари – Сирдарё туманилик Холқўзи Тошқўзиев, Гулистон шаҳрида яшовчи Бектурсун Пирматовлар сизу бизнинг келажакда яхши яшашимиз учун жонларини фидо қилиб, жаҳаннам оғзига тик борганлардан. Бироқ даврлар ўзгариб, уларни йиллар давомида қийнаган муаммоларига ечим топишга ҳеч ким эътибор қаратмади.

Ўтбосар Абдиевнинг эътироф қилишича, Президентимизнинг кексаларга эътибори туфайли бу табаррук отахонларнинг муаммоси ечим топди, вилоят Маҳалла ва кексалар билан ишлаш бўлими орқали уларнинг иккаласига ҳам икки хонали замонавий қурилган уйлардан ажратиб берилди. Ёки яна икки нафар нуронийнинг нураш даражасига келиб қолган яшаш уйлари тўлиқ таъмирланди. Шулар баробарида, ташкилот жамоаси ҳар ойда камида 100 та хонадонга бориб, кексаларнинг ҳолидан хабар олишни канда қилмаяпти.

Ногиронларга аравачалар олиб бериш қаторида уларга тиббиёт ходимлари бириктилган. Саломатликларини тиклаш учун республикамиздаги сиҳатгоҳларга ихтиёрига қараб йўлланмалар ажратилади. Шунингдек, вақти-вақти билан Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Хоразм, Шаҳрисабз ва Термиз каби тарихий шаҳарларга зиёратлар уюштирилмоқда. Ёшларга имкониятлар эшиги очилган ва кексалари қадр топган давлатда доимо ўсиш ва ривожланиш бўлаверишини Сирдарё вилояти мисолида кўриш, ҳис қилиш мумкин...



# Изланишга кенг имконият

1-бет

Давлат олий таълим муассасалари бакалавриатининг кундузги таълим шаклига кириш имтиҳонлари натижаларига кўра, таълим соҳалари кесимида, республика бўйича энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг 200 нафари Президент грантига даъвогар бўлади.

Бунда Президент гранти учун ажратилган квотанинг таълим соҳалари бўйича тақсимоти ҳар йили Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссияси томонидан тасдиқланади. Муайян таълим соҳаси учун ажратилган Президент гранти квотаси бўйича сўнгги ўриндаги абитуриент ва у билан бир хил балл тўплаган барча фуқаролар Президент грантига даъвогар бўлади. Президент грантига даъвогар бўлган абитуриентлар рўйхати ҳар йили кириш имтиҳонлари ва танлов тўлиқ якунлангандан сўнг Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

Қарорга кўра, Президент грантига даъвогар бўлган абитуриентлар давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади. Президент гранти совриндорлари биринчи курсда барча фанларни “аъло” баҳоларга ўқиган, маънавий-маърифий ва илмий-тадқиқот йўналишларида ютуқларга эришган мазкур грантга даъвогар талабалар орасидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика олий таълим кенгаши ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги томонидан ўтказиладиган танлов асосида аниқланади. Ўтказилган танлов натижаларига кўра ғолиб бўлган талабаларга Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси тайинланади ва тўланади. Ўқиш якунига қадар Президент грантини узлуксиз олган талабалар бакалавриат таълим йўналишига мос ва турдош мутахассислик бўйича магистратурага кириш имтиҳонларисиз қўшимча давлат гранти асосида талабаликка қабул қилинади.

Танловда иштирок этиш учун олий таълим муассасаси ректори томонидан биринчи курсда барча фанларни “аъло” баҳоларга ўқиган Президент грантига даъвогар талабага унинг ўқиш давридаги ютуқлари, жумладан, илмий-тадқиқот фаолияти, ташаббускорлиги, замонавий билим ва кўникмаларни ўзлаштирганлиги, намунали хулқ-атворга, соҳаси бўйича зарур билимга ҳамда республикада олиб борилаётган ислоҳотларга ўз фуқаролик позициясини билдира олиш кўникмаларига эга эканлиги каби шахсий фазилатлари бўйича тавсифнома беради.

Ўқиётган бакалавриат таълим йўналишига оид конференцияларда иштирок этиш, таълим йўналишига мос камида иккита илмий-тадқиқот ишини эълон қилиш, давлат тили билан бир қаторда камида битта хорижий тилни ва Ўзбекистон тарихини билишга оид талаблар Президент гранти танлови нечоғли юксак масъулиятли ва шарафли жараён эканини яна бир карра англатади. Бу каби эзгу маърифий ташаббуслар билимга чанқоқ, мақсад сари дадил интилувчан, қатъиятли ёшларимиз сафини янада кенгайтиради.

# Келажаги порлоқ гўша

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Мингбулоқ туманидаги Қолгандарё маҳалласини обод қишлоққа айлантириш бўйича амалий ишлар бошланди. Бу ерда биринчи навбатда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш чоралари кўрилмоқда.**

Ҳар бир оиланинг тирикчилик манбаси бўлиши лозим, деган вазифа қўйилди. Бунинг учун “хонадонбай” усулида иш ташкил этиляпти, уларнинг қизиқишлари ва имкониятларидан келиб чиқиб, йўналишлар белгиланади.

Хусусан, тижорат банклари кредит олиш истагидаги фуқароларга зарур маблағларни молиялаштиради, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг драйверлари ишлаб чиқилади. Энг ночор хўжаликларга тикувчилик, лимончилик, чорвачилик ва бошқа соҳаларда лойиҳалар тақдим этилади.

Қолгандарёда ўн битта кўча бўлиб, 667 та хонадонда 3 675 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ўрганишлар маҳаллада томорқадан унумли фойдаланилмаётганини кўрсатди. Шунинг учун ҳар бир кўчага биттадан банк масъул қилиб белгиланди.

Маҳаллани намунали масканга айлантириш учун 12 миллиард 539 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланади. Электр, суюлтирилган газ ва ичимлик суви таъминотини яхшилаш, йўлларни асфальтлаш, ёритиш тизими, МТТни таъмирлаш каби хайрли ишлар амалга оширилади.

– Маҳалламиз туман марказидан анча олисда жойлашган, – дейди меҳнат фахрийси Қосимжон Акбаров. – Шунинг учун эътиборсизлик оқибатими, у тараққиётдан четда қолаётгандай эди. Юртбошимиз вилоятимизга ташрифи чоғида олис қишлоқ ва маҳаллаларда ободонлаштириш ишлари олиб бориш зарурлиги ҳақида кўрсатма берган эди. Ана шу йўл-йўриқлар асосида таъсирчан чора-тадбирлар кўрилаётганидан аҳоли хурсанд.

# Қурилиш тили ислоҳотга муҳтожми?

**Ислом ИБОДУЛЛА,**
"O‘zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Тилнинг асосий вазифаси алоқа воситасидир. Жамиятнинг турли соҳалари бугунги кунда ўз тил шаклларига эга. Ижтимоий жараёнлар ривожланиши билан юридик, тиббиёт, адабий тизимлар ўзининг алоҳида тил нормаларини вужудга келтирди. Албатта, қурилиш ва қурилиш материалларининг ҳам барча учун тушунарли бўлган ўзига хос тили бўлиб, ушбу ҳолат бошқа соҳаларга нисбатан бироз мураккаблиги билан фарқланади.**

Ҳозирги кунда қурилиш ва қурилишда зарурий табиий ресурслар, иншоот материаллари ва ҳатто, соҳавий лойиҳа сметаларида рус тилининг таъсири катта. Қурилиш материалларининг номланиши ва татбиқоти ҳам баъзан ўзбек тилидан узоқроқ. Бу вазият бир қанча эътирозларга сабаб бўлмоқда. Яқин ўтган юз йилликда Ўрта Осиё давлатларининг соҳавий ривожланиши, жамият ҳаётига янги тузумнинг кириб келиши билан тил нормаларида ҳам янгиликлар пайдо бўлди. Бу жараёнларнинг бошчилари чор ва совет иттифоқининг вакиллари эди. Шу билан жамиятнинг кўпгина соҳаларида бўлгани каби, қурилиш соҳаси ҳам батамом "руслашди".

– Эски қурилиш нормалари тизимида совет даврида етти томлик техник луғат тузилганди, – дейди Қурилиш вазирлиги бошқарма бошлиғи Даврон Мелиев. – Ушбу луғат қурилиш соҳаси ва қурилиш саноати билан алоқадор иш тартиби, моддий хомашёларнинг русча терминларидан иборат эди. Масалан, бугун барчамиз учун маълум бўлган темир маҳсулоти "арматура"нинг ҳам номланиши ўша луғат билан боғлиқ. Албатта, бу каби мисоллар жуда кўп. Аслида, қурилиш тили ва унда ўзбекчанинг ролини ошириш масаласи Қурилиш вазирлигига алоқадор мавзу эмас. Аммо бугун соҳани янгилаш ва айрим жараёнларни ўзгартириш ишларини кўриб чиқяпмиз. Масалан, оддийгина иш юритишда авваллари "Справка счет фактура" номи билан аталган жараён бугунги "Бажарилган ишлар ҳисоб-китоби" шаклида қўлланилмоқда. Смета лойиҳалари ва қурилиш ресурсларининг қанчалик ўзбекчалаштириш керак, билмадим. Аммо ишнинг бажарилиши ва сифати бундан кўра муҳимроқ. Қолаверса, бугун қурилиш соҳасининг иш тартибида филологик вазиятнинг ҳозирги шакли барча учун тушунарли.

Албатта, барча замонларда флектив характерли тил кичик доирали тиллар учун жуда катта ўзгаришларга сабаб бўлган. Хусусан, Ўрта Осиё халқлари тарихан араб, форс-тожик этник гуруҳлари билан бақамти яшаб, ўз тилларига араб ва форс-тожик тилларининг жуда катта қисмини сингдириб олган. Яқин ўтмишда она тилимиз рус тили билан ҳам шундай тақдирни яшади ва ўз ўрнида рус тили ҳам қайсидир ғарб тили таъсирига учраган. Ўлкада рус протекторатидан сўнг ривожланган соҳаларнинг жуда катта қисми ўзбекчадан йироқ кўринишда юксалди. Ушбу янги соҳалар иттифоқ давлатларининг барчасида ўхшаш шаклда олиб борилди. Натижада Ўрта Осиё учун янгилик бўлган тизим ва соҳалар давлат тили ҳисобланадиган рус тилининг таъсир доирасида қолиб кетди ва бугунги кунгача мавжуд таъсирини сақлаб қолмоқда.

Тил билан алоқадор жараёнлар умумхалқ кайфияти учун ҳам аҳамиятли. Бу вазиятда кескин ислоҳотлар қилиб бўлмайди. Бугун қурилиш ва қурилиш маҳсулотларининг номланиши нечоғли ўзбекчадан узоқ бўлмасин, жорий хомашё ва хизмат кўрсатишда фаолият номланиши мутахассис учун ҳам, соҳадан бегона одам учун ҳам тушунарли. Тизимни маҳаллийлаштириш учун эса, изчилликда соҳага миллий тил таъсирини сингдириб бориш ва бу билан жамоатчиликни ҳам бунга ўргатиб боришга эришилади.

## "Ko‘chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

"Ko‘chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ томонидан ташкил этиладиган очиқ аукцион савдоларига "Агробанк" АТБ Юқоричирчиқ филиалининг 2021 йил 7 июлдаги 747-сонли буюртномасига асосан қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

Тошкент вилояти, Қибрай тумани, "Зафарobод" МФЙ (Май қишлоғи), А. Яссавий кўчаси, 52-"а" уйда жойлашган, **жами майдони** – 1,38 Га бўлган молхона бино-иншоотлари. **Бошланғич баҳоси** – 1 492 000 000 сўм.

**Аукцион савдо 2021 йил 9 август куни соат 11.00 дан бошлаб** Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Тўртариқ кўчаси, 11/2-уй манзилида бўлиб ўтади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

**Аризаларни қабул қилиш охирги муддати:** 2021 йил 6 август куни соат 18.00 гача.

Юқоридаги кўчмас мулк 2021 йил 9 август куни сотилмаган тақдирда такрорий савдолар 2021 йил 31 декабрь кунига қадар ҳафтанинг ҳар сешанба ва жума кунлари бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилиш савдо бўлишидан бир иш кун олдин тўхтатилади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 20 банк куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Ko‘chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт: 2260 4000 2049 2060 9001 "Давр банк" ХАТБ Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 207 122 519.

**Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Тўртариқ кўчаси, 11/2-уй.

**Тел.:** 95-199-12-21, 95-195-12-21.
**Электрон почта:** ko‘chmasmulk@mail.ru
**Расмий веб-сайт:** www.kmsx.uz

*Хизматлар лицензияланган.*
*RR-0001-сонли лицензия.*

## "Ko‘chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

"Ko‘chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ томонидан ташкил этиладиган очиқ аукцион савдоларига, **"DD Ceneral Insurance" МЧЖ**нинг 2021 йил 5 июлдаги 01/534-сонли буюртномасига асосан, Гулистон шаҳри, Сайхун кўчаси, 39-уй манзилида жойлашган **жами майдони** – 193,12 квадрат метрдан иборат савдо дўкон биноси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси** – 884 000 000 сўмлик

**Аукцион савдо 2021 йил 9 август куни соат 11.00 дан бошлаб** Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Тўртариқ кўчаси, 11/2-уй манзилида бўлиб ўтади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). **Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2021 йил 6 август куни соат 18.00 гача.

Юқоридаги кўчмас мулк 2021 йил 9 август куни сотилмаган тақдирда такрорий савдолар 2021 йил 24 август, 8 сентябрь кунлари соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилиш савдо бўлишидан бир иш кун олдин тўхтатилади.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 банк куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

**Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Ko‘chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт:** 2260 4000 2049 2060 9001 "Давр банк" ХАТБ Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 207 122 519.

**Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Тўртариқ кўчаси, 11/2-уй.

Тел.: 95-199-12-21, 95-195-12-21.
**E-mail:** ko‘chmasmulk@mail.ru
**Расмий веб-сайт:** www.kmsx.uz

*Хизматлар лицензияланган.*
*RR-0001-сонли лицензия.*

## "Respublika mulk markazi" МЧЖ "Poytaxt filiali"

### бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Савдога "Шаҳар марказий кўчаларидан фойдаланиш, уларни сақлаш ва таъмирлаш ихтисослаштирилган бошқармаси"нинг 2021 йил 30 июндаги 06-320-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорасарой кўчаси, 65-уй манзилида сақланаётган қуйидаги техника воситалари такроран қўйилмоқда:**

1. 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 268 PBA бўлган, техник носоз "КАЗ – 608 Б" юк автомашинаси. **Бошланғич баҳоси** – 20 144 904 сўм.

2. 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 1927 AA бўлган, техник носоз "ОДАЗ 885" русумли яримтиркама. **Бошланғич баҳоси** – 4 531 500 сўм.

Аукцион савдолари **2021 йил 9 август** куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2021 йил 6 август куни соат 18.00 гача. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги техника воситалари **2021 йил 9 август** куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар **2021 йил 24 август ва 7 сентябрь** кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. **Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддатлари:** 24 августдаги савдо учун 20 август ва 7 сентябрдаги савдо учун 3 сентябрь куни соат 16.00 гача.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Давр банк" ХАТБ Яккасарой филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт:** 2260 4000 5005 7145 2002 МФО 01069 СТИР 200 933 850.

**Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-"А" уй.

**Телефон:** 71-237-23-96.
**Расмий веб-сайт:** www.rmm.uz
*001805 рақамли гувоҳнома.*

## "Ko‘chmas mulk xizmatlarini ko‘rsatish jamiyati" МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

"Риштон Агросервис МТП ИСМ" МЧЖининг 2021 йил 6 июлдаги 49-сонли буюртма хатига асосан, жамият балансида бўлган 0029-литердаги "Қурилиши тугалланмаган техникалар сақлаш айвони"ни савдога қўйилаётган қисмининг **умумий эгаллаган ер майдони** – 525 квадрат метр бўлиб, шундан 132 квадрат метр навес, 225 квадрат метр навес, 168 квадрат метр ҚТМ ҳамда 49 п/м девордан иборат бино ва иншоотларининг **бошланғич баҳоси** – 32 277 915 сўм билан очиқ аукцион савдога қўйилмоқда.

Савдога қўйилган мулклар билан жамият вакили иштирокида жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар, расмий иш кунлари соат 9.00 дан 17.00 га қадар қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2021 йил 6 август куни соат 12.00 гача.

Аукцион савдо 2021 йил 9 август куни 11.00 дан бошлаб Фарғона вилояти Агросуғурта биносининг мажлислар залида бўлиб ўтади.

**Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳамда энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдоридаги маблағни "Ko‘chmas mulk xizmatlarini ko‘rsatish jamiyati" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2020 8000 3053 3172 3016 ХАББ "Trast bank" Фарғона филиали МФО 01123 СТИР 308 112 732.

**Аукцион савдо ўтказиладиган манзил:** Фарғона шаҳри, Г. Фармонов кўчаси, 13-уй.

**Тел.:** 73-244-33-88, 90-407-07-62.

## "Шаҳрисабз пахта тозалаш" АЖ

### КРЕДИТОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги "Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 4633-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида "Қашқадарё Пахтасаноат" ҲАБ тизимидаги корхоналар белгиланган тартибда тугатилмоқда ва кластерларга сотилмоқда.

"Шаҳрисабз пахта тозалаш" АЖда жорий йилнинг 2021 йил 1 май ҳолатида мавжуд бўлган кредитор қарзлар йўқламадан ўтказилаётгани муносабати билан мавжуд кредитор қарзлари тўғрисида жамият бошқарувчиси номига ёзма маълумот беришингизни ҳамда жамият бош ҳисобчиси иштирокида қайта ўрганиб чиқиб натижаси тўғрисида солиштирма далолатнома тузишингизни сурайман.

Қонунда белгиланган тартибда жамиятга қарз мажбуриятларини ундириш бўйича талаб қилишингиз мумкин.

**Қарз мажбуриятларини тўлаб бериш талабига қуйидаги ҳужжатларни илова қилиш лозим бўлади:**

– жамият билан тузилган шартнома асл нусхасини кўрсатган ҳолда ксерио нусхаси;

– жамият томонидан берилган ишончнома асл нусхаси кўрсатилган ҳолда ксерио нусхаси;

– кўрсатилган хизмат (2-форма иш бажрилиши далолатномаси) ёки олинган моддий бойликни асословчи белгиланган тартибда тўлиқ тўлдирилган ҳисобварақаси;

– жамият билан солиштирма далолатнома тузувчига берилган ишончнома ва уни тасдиқловчи ҳужжат;

– қарзни ундириш тўғрисидаги суд қарорлари (агар мавжуд бўлса);

– бошқа қарздорлик ҳосил бўлганини тасдиқловчи ҳужжатлар.

**Юқорида қайд этилган ҳужжатлар 2021 йил 15 июлгача тўлиқ тақдим қилинмаган тақдирда кредиторлик қарзингиз тан олинмайди. Уни талаб қилиш учун иқтисодий судларга мурожаат қилиш ваколатингиз борлиги тўғрисида огоҳлантирамиз**.

**Мурожаат учун тел.:** 97-381-45-43.
**Манзил:** Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз шаҳри, Ипак йўли кўчаси, 110-уй.

## "Respublika mulk markazi" МЧЖ

### бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган ёпиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Ёпиқ аукцион савдога "Hududgaz poytaxt gaz ta’minoti filiali"нинг 2021 йил 8 июлдаги 41-01/4392-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Уйсозлар кўчаси, 72-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:**

| № | Автомототранспорт воситаларининг ишлаб чиқарилган йили, давлат рақами ва русуми | Бошланғич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|
| 1. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 040 ZBA бўлган "LABO" русумли автотранспорт | 27 489 312 |
| 2. | 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 072 KBA бўлган "Hyundai Sonata" русумли автотранспорт | 120 506 869 |
| 3. | 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 142 ZBA бўлган "УАЗ-3909" русумли автотранспорт | 7 972 400 |
| 4. | 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 143 ZBA бўлган "ГАЗ-330210" русумли автотранспорт | 39 383 945 |
| 5. | 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 147 ZBA бўлган "ГАЗ-5228" русумли автотранспорт | 8 630 351 |
| 6. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 160 NCA бўлган "Зил-138" русумли автотранспорт | 17 131 423 |
| 7. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 162 NCA бўлган "ГАЗ-31029" русумли автотранспорт | 7 754 093 |
| 8. | 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 165 ZBA бўлган "ГАЗ-5201" русумли автотранспорт | 10 522 371 |
| 9. | 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 257 ZBA бўлган "ГАЗ-2411" русумли автотранспорт | 6 454 349 |
| 10. | 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 258 ZBA бўлган "ГАЗ-5201" русумли автотранспорт | 8 459 111 |
| 11. | 2002 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 286 TBA бўлган "ГАЗ-3102" русумли автотранспорт | 17 551 769 |
| 12. | 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 325 ZBA бўлган "ГАЗ-5201" русумли автотранспорт | 8 459 111 |
| 13. | 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 329 ZBA бўлган "УАЗ-2206" русумли автотранспорт | 9 448 958 |
| 14. | 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 420 ZAA бўлган "ГАЗ 31029" русумли автотранспорт | 7 769 736 |
| 15. | 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 550 FBA бўлган "Hyundai Sonata" русумли автотранспорт | 124 233 886 |
| 16. | 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 575 WBA бўлган "ГАЗ-31029" русумли автотранспорт | 7 866 148 |
| 17. | 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 DA 620 бўлган "Трактор Т28 " русумли автотранспорт | 6 473 458 |
| 18. | 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 650 WBA бўлган "TICO" русумли автотранспорт | 12 432 894 |
| 19. | 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 652 WBA бўлган "УАЗ-3152 " русумли автотранспорт | 8 192 473 |
| 20. | 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 DA 695 бўлган "Трактор ЮМЗ 6" русумли автотранспорт | 15 827 000 |
| 21. | 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 714 FAA бўлган "TICO " русумли автотранспорт | 8 700 697 |
| 22. | 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 732 WBA бўлган "ГАЗ-330210" русумли автотранспорт | 39 383 945 |
| 23. | "LABO" русумли 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 735 WBA бўлган автотранспорт | 29 124 660 |
| 24. | 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 736 WBA бўлган "ГАЗ-5201" русумли автотранспорт | 8 177 139 |
| 25. | 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 739 WBA бўлган "ГАЗ-5201" русумли автотранспорт | 8 256 965 |
| 26. | 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 773 WBA бўлган "ГАЗ-5201" русумли автотранспорт | 8 177 139 |
| 27. | 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 776 XBA бўлган "Hyundai Sonata" русумли автотранспорт | 124 233 886 |
| 28. | 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 845 WBA бўлган "ГАЗ-5201" русумли автотранспорт | 8 177 139 |
| 29. | 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 847 FAA бўлган "TICO " русумли автотранспорт | 8 700 697 |
| 30. | 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 861 FAA бўлган "ГАЗ-3110" русумли автотранспорт | 15 849 720 |
| 31. | 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 864 WBA бўлган "TICO " русумли автотранспорт | 6 214 783 |
| 32. | 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 866 WBA бўлган "МАЗ-5551" русумли автотранспорт | 23 034 216 |
| 33. | 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 863 WBA бўлган "ГАЗ-330210" русумли автотранспорт | 23 704 790 |
| 34. | 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 887 FAA бўлган "ГАЗ-31029" русумли автотранспорт | 7 818 992 |
| 35. | 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 963 WBA бўлган "ГАЗ-2705" русумли автотранспорт | 17 641 200 |
| 36. | 1999 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 994 QBA бўлган "TICO " русумли автотранспорт | 12 429 557 |

**Аукцион савдо 2021 йил 9 август куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.**

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2021 йил 6 август куни соат 16.00 гача.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2021 йил 9 август куни сотилмаган тақдирда такрорий савдо 2021 йил 23 август куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдо учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати савдо бўлишидан бир иш кун олдин соат 16.00 гача.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўлангани ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

**Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "RMM" МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:** 2260 4000 2005 7145 2001 "Давр банк" ХАТБ Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-"А" уй.

**Тел.:** 71-237-23-86.

*001805 рақамли гувоҳнома.*

Муқаддас қадамжолар

# Ситораи Моҳи Хосса – Ой ва юлдузлар ўртасидаги жой

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Афсонавий Бухоро неча минг йиллардан буён ўз бағрида юзлаб муқаддас мажмуаларни авайлаб-асраб келмоқда. Улардан бири Ситораи Моҳи Хосса саройидир. Ўз даврида шоирлар уни Ой ва юлдузлар ўртасидаги жой, деб таърифлашган.**





Ситораи Моҳи Хосса хоним тарихий манбаларда "Даврон Хадичаси", "Замон Билқиси", "Биби Ойпошшо" номлари билан ҳам аталган. Отаси Хожа Мир Абдуллоҳ бўлиб, у аштархоний Абдулазизхон ва Субҳонқулихон даврида яшаган. 1711 йил Убайдуллахон ўлимидан кейин Бухоро хонлиги тахтига 10 ёшли Абулфайзхон ўтирган. Аштархонийлар сулоласининг сўнгги ҳукмдори бўлган шаҳзода Ситораи Моҳи Хосса хонимнинг ўғли эди. "Замон Билқиси" Субҳонқулихоннинг хотини бўлиб, улардан ҳукмдорлар – Убайдуллахон ҳамда Абулфайзхон дунёга келган.

Амир Олимхоннинг ёзги саройи – Ситораи Моҳи Хосса манбаларда Болойи ҳовуз деб ҳам аталган. Садри Зиёнинг берган қуйидаги маълумотида: "Болойи ҳовуз хонақоҳи, атрофида таҳоратхона ва ҳужралари бор. Уни Мир Абдуллахўжанинг қизи, Субҳонқулихоннинг хотини Биби Ойпошша (Ситораи Моҳи Хосса) қурдирган" дейилади.

Ситораи Моҳи Хосса ва Болойи ҳовуз мадрасаси нега битта ном билан аталиб қолган? Аввало, саройнинг соҳиблари Амир Абдулаҳад ушбу маърифат олами маликасининг еттинчи, Амир Олимхон эса саккизинчи авлоди ҳисобланади. У насл-насабда Ситораи Моҳи Хосса хонимга бориб уланади. Демак, Амир Олимхон ўз ёзги саройи номини ўтмишдаги маърифатпарвар момоси номи билан атаган. Шунингдек, манғит ҳукмдорлари ҳаёти билан боғлиқ баъзи маросимларнинг шу жойда ўтказилиши ҳам, балки шундан далолатдир.

Қурилиши қадимийроқ бўлган Ситораи Моҳи Хосса мадрасаси номи унутилишининг битта сабаби бор. Бу жой ўша даврдаёқ Болойи ҳовуз деб аталган иккинчи номи билан ҳам кўпроқ машҳур эди. У Бухородаги манғитлар сулоласининг 3 авлодига мансуб сарой боғ бўлиб, шаҳардан 4 километр шимолда жойлашган. Дастлабки бинолар Насруллахон (1826-60) ва Музаффархон (1860-85) ҳукмронлиги даврида қурилган. Абдулаҳадхон ҳукмронлиги даврида сарой ва хушманзара боғ барпо этилган. Амир Олимхон ҳукмронлиги даврида янги сарой қурилган.

Ситораи Моҳи Хоссанинг майдони 6,7 гектар бўлиб, эски сарой ғишт тўшалган 3 та ҳовли ва кўпгина хоналардан иборат. Бу ердаги амир Музаффархон меҳмонхонаси кенг, баланд зали, икки томондаги болхонали айвонлари, Европача эшик ва деразалари билан ажралиб туради. Уч қисмга бўлинган мураббa тарҳли хонани ташкил этувчи Абдулаҳадхон хонаси бир-бирига қарама-қарши жойлаштирилган ва бир хилда безатилган 2 та зал ўртасидаги баланд супа орқали бирлаштирилган. Супанинг ғарб томонига шоҳнишин тахт жойлаштирилган. Эски сарой шарқидаги амир Олимхоннинг бош қароргоҳи – янги саройга равоқли муҳташам дарвоза ўрнатилган. Дарвоза устидаги равоқ Ўрта Осиё биноларига хос бўлмаган шаклда ишланган бўлиб, ён қисмлари сирланган, тўқ қизил, кўк, гунафша ва ҳаво ранг кошин билан қопланган. Анъанавий сиркори парчинлар билан бирга Россиядан келтирилган кафел қопламалардан ҳам фойдаланилган. Дарвозанинг тепа қисмига ганчдан гулдон шаклидаги безаклар ишланган. Ёғочдан қилинган икки табақали дарвозага миллий нақшлар ўйиб ишланган ва мис гул михлар билан мустаҳкамланган нафис гулдор зулфин ўрнатилган.

Дарвозахонадан ташқи ҳовлига ўтилади. Ҳовлининг 3 томони айвон билан ўралган. Дарвозадан кирганда ўнг қўлда кичкина фаввора бор. Катта айвон ҳовлининг шимолий томонида, ғарб томонида Оқсарой, жануб томонида эса ойнаванд айвон, кутиш хонаси ва амирнинг қабулхонаси жойлашган. Бинога кираверишда Ғозғон мармаридан уста Абдураҳим йўниб ишлаган шер ҳайкаллари бор. Амир қабулхонаси даҳлизининг деворлари ганчдан нақшдор қилиб безатилган. Бош бинони барпо этиш жараёнида Европа билан Исфаган саройлари архитектураси ва Бухоронинг бой туражойлари биноларининг меъморий ечимларидан фойдаланилган.

Оқсарой ичкариси Шарқнинг жимжимадор, нафис нақшлари жозибадор гуллари билан уйғунлашган. Деворнинг кўзгулардан иборат бўлиши ва гулганчдан ишланган безакларнинг кўзни қамаштирадиган даражада оқлиги хонани кўркам қилиб кўрсатади. Оқсарой 2 йил мобайнида Уста Ширин раҳбарлигида (25-30 киши томонидан) қурилган ва пардозланган. Бутун хона ўймакор ганч билан безатилган. Шу билан бирга нақшлар бир-бирига ўхшамайди ва бир-бирини такрорламайди. Ҳар-хил ромлар билан безатилган Венеция ва Япон ойналарининг кўплиги кўзга ташланади. Ноёб уч табақали кўзгу 40 мартта такрорланадиган тасвирни яратади. Оқ залнинг интерьерини безатишда ўша давргача маълум бўлган энг яхши тажрибалар ўз аксини топган. Девор ва шифтларда панно кўринишидаги ойналар устида ишланган ганчкорлик маҳсули киши кўзини қамаштириб юборади. Ишлатилган ойналар девор ва шифтда бежирим безаклар остидаги фон вазифасини бажарган. Саройда нозик Хитой ва Япон фарфори, машҳур бухоролик заргарларнинг ажойиб тақинчоқлари, зардўзлик паннолари ва ёпинчиқлардан иборат осори-атиқалар бўлган. Қабулхона Европа услубида биридан иккинчисига ўтиладиган қилиб қатор жойлаштирилган.

Саройнинг яхши парвариш қилинган боғида ҳозиргача товуслар сайр қилиб юради. Боғнинг қоқ ўртасида 8 хонали кўшк бор. Унинг хоналари 8 қиррали қилиб қурилган меҳмонхона атрофида жойлашган. Кўшкнинг жанубида тўғри бурчакли девори токчали катта хона бўлган. Бошқа хоналар ётокхона ва хизматкорлар учун мўлжалланган. Боғнинг жанубида икки қаватли масжид ва катта ҳовуз қурилган. Ҳовуз кулранг Ғозғон мармари билан қопланган. Бинонинг ичида узун йўлак бўлиб, хоналари фақат бир томондан шамоллатилган.

У – Бухородаги обидалар ва тарихий масканлар ичида энг гўзали ҳисобланади. Бу иншоот XX асрнинг бошларида қуриб битказилган. Амир Аҳадхон буйруғи билан Бухородаги энг қўли гул усталар Россияга иш ўрганиш учун юборилган. Шунинг учун ҳам иншоот қурилиши ва безакларида европа ва шарқ архитектурасининг уйғунлигини кўриш мумкин. Ситораи Моҳи Хоссанинг қурилиши янги тарих даврига, Бухоро амирлиги Россия империясининг протектератлиги даврига тўғри келади. Меъморий иншоотнинг қурилишида ғишт (хом ва пишган), фанер, ёғоч, айниқса, тут ва ёнғоқ дарахти, мармар, ойна, тунука, тош, чўян, темир ва бошқа қурилиш материалларидан фойдаланилган.

Ситораи Моҳи Хоссада ҳозирги кунда амалий безак санъати музейи фаолият олиб бормоқда. Иншоотнинг таъмирталаб қисмлари қайта реконструкция қилинган, кириш жойида халқ амалий санъати намуналари бўлган буюмлар савдо растаси мавжуд. Ҳовлида эса товуслар, Оқ залда амирлик ҳузурида бўлган чет эл элчиларининг биллур ваза, қимматбаҳо гиламлар, гулдонлар каби совғаларидан иборат экспозицияни кўриш мумкин.

1997 йил Бухоро шаҳрининг 2500 йиллиги муносабати билан шаҳардаги барча меъморий иншоотлар қатори Ситораи Моҳи Хосса саройи ҳам қайта таъмирланиб, ЮНЕСКО ташкилотининг Бутун Жаҳон ёдгорликлари рўйхатига киритилган.

Бу – қизиқ

# ДУНЁГА МАШҲУР ЭКОУЙЛАР

**Норвегия**да қурилган экологик уй ўз эҳтиёжидан уч баробар кўпроқ электр энергияси ишлаб чиқаради. Ёмғир сувини тўплайди, иссиқликни рекуперациялайди.



**Чикаго**даги "Таверна Вис" LEED (энергетик ва экологик лойиҳалашдаги етакчи) олтин сертификатига сазовор бўлган. Бу уй геотермал иситиш тизими, қуёш панеллари ва кўкаламзорлаштирилган томга эга.



Агар **Болгария**га борсангиз, Варна шаҳридан дарахт-уйни излаб топишга эринманг. Томи энергия тежамкорликка яққол мисол. Уч қаватли шиша қуёш нурини ўтказиб, иссиқликни ташқарига чиқармайди. Тарновчалар ёмғир сувини тўплайди, қуёш панеллари эса уйни электр билан таъминлайди.



**Санта-Феда**ги "Overland Partners Architects" уйи фазовий кема сингари ишлайди. Уйда фойдаланилган сув фильтрланади ва хўжалик ишларида қайта ишлатилади. Электр энергиясини қуёш панеллари тўплайди. Ҳовлидаги манзарали ўсимликлар қурғоқчиликка чидамли бўлиб, қўшимча суғоришга муҳтож эмас.



**Сан-Франциско**даги кузги экологик уй бутунлай шишадан ишланган. Унда ҳам ишлатилган сувни фильтрлаш тизими бор. Табиий вентиляцияни таъминлаш учун кондиционернинг ўрнига дарчалар автоматик тарзда назорат қилинади.

"Carl Turner Architects" ишлаб чиққан **Лондон**даги сирғалувчи уйда ёмғир сувини тўплаш, табиий вентиляция ва албатта, қуёш панеллари бор. Уч қаватли шиша ёрдамида иссиқликни сақлайди.



**Канада**даги "Бурчакдаги уй" континентал иқлим шароитида жойлашган. Уй қиш қаҳратонига ҳам, ёз жазирамасига ҳам тайёр. Тепаликлар билан "дўстлашган" уйнинг ярми ер остида.



**Швейцария**ликлар ер остига уй қуриб адашмаган. Экоуйнинг кенг ойналари кундузи чироқ ўрнини босади. Қолаверса, иситиш учун энергия тежалишини айтмайсизми?

**Туркия**даги экологик уйнинг томи табиий иссиқликни тўплайди ва сунъий иситиш тизимига ҳожат қолдирмайди.

## Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин!

Июль ойининг шу кунларида таваллуд айёмларини нишонлаётган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Йиғма ахборот таҳлил бошқармаси бош мутахассиси **Хайрулло Ибрагимов,** Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси ахборотларни таҳлил қилиш ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўлими бош мутахассиси **Мухамаджон Мўминжонов,** Ижро интизоми ва мурожаатлар билан ишлаш бўйича етакчи мутахассис **Мухлиса Мирходжаева,**

Андижон вилояти, Андижон тумани қурилиш бўлими Объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектор **Бегзодбек Рахматуллаев,** Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси бошлиғининг ўринбосари **Акрамжон Мухтаров,** лаборант **Мухриддин Тожиддинов,**

Жиззах вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси етакчи мутахассиси **Азим Ғаниев,**

Навоий вилояти қурилиш бош бошқармаси қоровули **Эрмамот Сувонов,** Кармана тумани қурилиш бўлими бошлиғи **Илҳом Мирзаев,** Қурилиш бош бошқармаси таркибидаги Архитектура режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш бўлими ҳайдовчиси **Фурқат Момиқов,** Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими етакчи инспекторлари **Алишер Райимов, Алишер Нуруллаев,** ҳайдовчи **Сапарқул Қурбанов,** "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Навоий вилояти филиали бош мутахассиси **Ўткир Нуралиев,**

Наманган вилояти қурилиш бош бошқармаси бошлиғи **Дилшод Ниязов,** қоровул **Санжар Абдуллаев,**

Самарқанд вилояти қурилиш бош бошқармаси юрисконсульти **Шерзод Қиямов,**

"Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Тошкент вилояти филиали мутахассиси **Ольга Земляная,**

Тошкент шаҳар Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси Қурилиш-монтаж ишлар устидан назорат бўлими бош инспектори **Жамшид Уташев,** ҳайдовчилар **Анвар Мажитов, Павел Киреев,**

Фарғона вилояти қурилиш бош бошқармаси бош ҳисобчиси **Бекмурод Пирназаров,**

Хоразм вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси етакчи инспектори **Рахимбой Матчанов,** "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси" ДУК Хоразм вилояти филиали пешҳисоб бўлими бошлиғи **Тимур Нурметов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**Уларга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилавий хотиржамлик, файз-барака, мустаҳкам соғлиқ тилаймиз!**

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**Таҳрир ҳайъати:**
Батир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов, Эркин Искандаров,
Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

**Таҳририят:**
Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Бош муҳаррир ўринбосари **Абдусами Ҳақбердиев**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:**
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси,
«ЎзГАШКЛИТИ» ДУК,
«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**Таҳририят манзили:**
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:** 71-244-21-71 (қабулхона),
71-244-15-13 (котибият),
71-244-22-10 (бухгалтерия),
71-244-15-05 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:**
**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-590-37-15.
**Андижон вилояти:** 93-410-15-18.
**Бухоро вилояти:** 99-705-50-15
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 90-553-02-34.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сурхондарё вилояти:** 91-981-61-63.
**Фарғона вилояти:** 90-230-85-23, 90-163-63-82.
**Қашқадарё вилояти:** 99-503-43-39.
**Хоразм вилояти:** 97-459-74-85.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-743.
2321 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**Корхона манзили:**
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
**Навбатчи муҳаррир** – А. Ҳақбердиев.
**Навбатчи** – И. Ибодулла.
ЎзА якуни – 22.15. Топширилди – 23.05.
1 2 3 4 5 6